



## “ЯШИЛ” ЭНЕРГЕТИКА ҲАМ ИҚТИСОДИЁТ ДРАЙВЕРЛАРИДАН БИРИГА, ҲАМ ЧИНАКАМ УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТГА АЙЛАНМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев 28 февраль куни қайта тикланувчи энергия манбаларини кўпайтириш бўйича устувор вазифалар юзасидан йиғилиш ўтказди.

Таҳлилларга кўра, юртимизда қуёш ва шамол энергияси салоҳияти электрга бўлган ҳозирги эҳтиёжни 10-12 баробар орттириши билан қоплашга етади. Лекин шундай улкан имконият анча йиллар давомида ишга солинмаган эди.

Сўнгги йилларда давлатимиз томонидан бу соҳага катта эътибор қаратилиб, ҳуқуқий замин яратилди. “Яшил энергия” манбаларини барпо қилиш бўйича катта дастурлар бошланди. Инвесторлар учун жозибадор муҳит ташкил этилди.

Бугунги кунга қадар соҳага 2,1 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция кириб келди, яна 13 миллиард долларлик лойиҳалар амалга оширилди. Деярли барча вилоятларда замонавий қуёш ва шамол электр станциялари барпо этилмоқда.

Жумладан, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд ва Сурхондарёда 1,6 гигаваттли 9 та йирик қуёш ва шамол электр станциялари ишга тушди. Андижон, Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент вилоятида 183 мегаваттли 6 та йирик ва кичик ГЭСлар фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, ижтимоий соҳа объектлари, корхона ва ташкилотлар, тадбиркорларга тегишли бинолар ва аҳоли хонадонларида умумий қуввати 457 мегаваттлик қуёш панеллари ўрнатилди. Бу ишларга банклар томонидан қарий 2 триллион сўм ресурс ажратилди.

Натижада қўшимча 5 миллиард киловатт-соат экологик тоза электр ишлаб чиқариш ва 1,5 миллиард куб метр газ тежаш имконияти яратилди.

Бу соҳадаги кенг қамровли ишлар маҳаллий корхоналарда трансформатор, ҳар хил турдаги кабеллар, иситиш коллекторлари, қуёш панели, изолятор, металл устуллар каби махсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ҳам катта туртки берди.

Бир сўз билан айтганда, “яшил” энергетика — ҳам иқтисодиётимиз драйверларидан бирига, ҳам чинакам умуммиллий ҳаракатга айланмоқда.

2024 йилда “яшил энергия” ҳажми 13 миллиард киловатт-соатга, унинг мамлакатимиздаги жами улуши 15 фоизга етади. Қисқа давр учун бу жуда катта кўрсаткич, албатта.

Лекин бу борада ҳали имкониятлар кўп, улар ҳамма ҳудудларда ҳам тўлиқ ишга солинмапти.

Шу боис, йиғилишда қайта тикланувчи энергия манбаларини кўпайтириш ва шунга яраша инфратузилмани ривожлантириш бўйича янги режалар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари соҳадаги тажрибага таяниб, бу йилдан йирик “яшил энергия” қувватларини яратиш бўйича уч йиллик дастурга ўтиш зарурлигини таъкидлади.

Аҳоли ва иқтисодиёт тармоқлари талабидан келиб чиқиб, келгуси уч йилда 8 гигаваттлик 28 та йирик қуёш ва шамол электр станциялари ишга туширилади. 944 километр юқори кучлианишли электр тармоқлари ва 6 та йирик подстанция қурилади. Жами 2,2 гигаватт бўлган 18 та электр саклаш қуввати ўрнатилди.

Энергетика тизимининг барқарорлигини таъминлаш учун ушбу қувватларга мос тармоқларни қуришни ҳамда зарур материаллар ишлаб чиқаришни ҳозирдан бошлаш кераклиги қайд этилди.

Энергетика вазири уч йиллик дастурдан ўрин олган 2,6 гигаваттлик 14 та станция бу йил ишга туширилиши, уларни тармоққа улаш учун 5 та подстанция қувват кенгайтирилиши, 500 километр юқори кучлианишли электр тармоқлари қурилиши ҳақида ахборот берди.

Умуман, янги қувватлар ҳисобига бу йил камида 85 миллиард киловатт-соат, шундан қуёш ва шамол станцияларида 6 миллиард киловатт-соат электр ишлаб чиқарилиши айтилди.

Жойларда қуёш панелларини ўрнатиш ҳолати ҳам кўриб чиқилди.

Аҳолининг бундан манфаатдорлигини ошириш мақсадида “Қуёшли хонадон” дастури жорий қилинган. Унга кўра, қуёш панели ўрнатган аҳолидан ҳар

1 киловатт электрни минг сўмдан сотиб олиш тизими йўлга қўйилди. Ҳозирда 11 мингга яқин хонадон эгалари бу имкониятдан самарали фойдаланипти.

Бу ишларни кенгайтириш учун унинг жозибадорлигини ошириш, қуёш панели ўрнатувчиларга қўмаклашиш кераклиги айтилди. Бунинг учун қўшимча 50 миллион доллар ресурс ажратилиши, хорижий инвесторлар иштирокида яна 100 миллион доллар жалб қилиниши белгиланди.

Қуёш энергиясидан фойдаланишда тадбиркорларга ҳам қўшимча енгилликлар яратилади. Жумладан, қуёш панели, инвертор ва аккумуляторларни импорт қилишда божхона имтиёзлари яна беш йилга узайтирилади.

Мутасаддиларга қишлоқ ва сув ҳўжалиги, ичимлик суви таъминоти каби энергия сарфи юқори бўлган соҳаларда қайта тикланувчи энергия манбаларини қўллаш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиш топширилди.

Бу соҳа ривожланаётгани бошқа турдош тармоқларга ҳам ижобий таъсир этмоқда. Хусусан, йирик қуёш ва шамол станцияларини қуриш, уларни тармоққа улаш, таъмир ва сервис хизмати кўрсатиш жараёнларида маҳаллий корхоналаримиз учун камида 1 миллиард долларлик бозор пайдо бўлмоқда.

Шу боис, бу йил Қарши шаҳридаги “Солар кластер”да қуёш панели, аккумулятор, инвертор, сув иситкич, Оҳангарон санаят зонасида кабель ва трансформатор, Нукус шаҳри ва Андижон туманида қуёш панеллари ишлаб чиқариш лойиҳалаштирилган.

Президентимиз маҳаллий корхоналарга халқаро сертификатларини олишда ва ишлаб чиқаришни халқаро стандартларга мослаштиришга қўмаклашиш бўйича кўрсатма берди.

Энергетика вазири ва ҳокимлар йиғилишда белгиланган вазифалар бўйича ишни ташкил қилиш режалари юзасидан ахборот берди.

ЎЗА



### БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

Миллий давлатчилигимизнинг уч минг йиллик тарихи ва тажрибасидаги ўчириб бўлмайдиган ёрқин саҳифалардан бири, шубҳасиз, кенгашиб иш тутиш анъанасидир. Буюк Амир Темурнинг “Давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилишини англадим”, дея айтгани шунчаки гап эмас, албатта. Йўл қўйган катта-кичик хатоларимиз, бой берилган қатор марраларимизга қарамай, ҳар кимга ҳам насиб қилмайдиган қадим, ноёб ва шонли ўтмишимизни ҳаққоний ва эркин ўрганиш ҳамда ёритишга қўл урганимизга эндигина олти-етти йил бўлди. Бугун узоқ вақт илмимиз, сўнг у орқали халқимиз онгига сингдириб келинган сохта қолипларни чилпарчин этиш имконига эгамиз. Улардан бири буюк Сохибқироннинг ўттиз беш йиллик ҳукмдорлик фаолияти гўёки тинимсиз уруш-талашларда ўтгани ҳақидаги тўқмадир.

## ЯШАБ ҚОЛИШИМИЗ ШАРТИ

Дунёни Самарқанд атрофида бирлаштиришга эришган донишманд бобомиз мақсадига ҳарбий юришлар эмас, балки чуқур ва ҳар томонлама билим ҳамда кенгашишлар орқали етганини баралла айтишимиз керак. Айтибгина қолмай, Ўзбек давлатчилигига хос ушбу анъана — сиёсий маданият янги Ўзбекистонда тиклангани ва натижаларини бераётганини ҳам ургутлашдан тортинамаслигимиз лозим.

Мана, тўрт йилдирки, ҳар биримизнинг ҳаётимизда тенгсиз аҳамиятга эга маънавият ва маърифат ҳамда ҳавфсизлик масалалари таҳлилга бағишланган кенгашиш ишида қатнашиб келмоқдамиз. Ушбу йиғилишларга тегишли мансабдорлардан ташқари барча ижтимоий қатламлар вакилларининг таклиф этилиши бошида янгилик бўлса, энди табиийликка айланди. Энг муҳими, давлатимиз ва жамиятимиз учун ўта долзарб масалалар ечими устида бош қотиришга эл-улуснинг ўзи жалб қилинмоқда.

Янги Ўзбекистонимизда илк кунлардан қўллана бошланган бундай ёндашув миллий давлатчилигимизнинг демократия, давлат бошқаруви очиклиги ва фуқаролик жамиятига асосланган босқичини илҳомлантиришда қандай ўрин тутаятгани алоҳида тадқиқотлар мавзуси эканини ургутлаган ҳолда эътиборни тилга олинган кенгашишнинг сўнгги йиғилишларида умуммиллий муҳокамага ташланган бош масалага қаратсак.

Президентимиз Маънавият ва маърифат кенгашишининг ўтган йил 22 декабрь куни бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида: “...Биз ҳозирги кескин шароитда гоъвий-мафкуравий соҳада рақобатга тайёриймизми? Ёш авлодимиз тарбияси мураккаб замон талабларига жавоб бераптими?” деган саволларни кўндаланг қўйиб, “Агар биз бу ёрғ дунёда “Ўзбек”, “Ўзбекистон” деган номлар билан яшаб қолишни истайдиган

бўлсак, бу саволларга бугун жавоб топшимиз ва уларни ҳал этиш бўйича амалий ҳаракатларни айнан бугун бошлашимиз шарт. Эртага кеч бўлади”, дея барчамизни сертаклик ва сафарбарликка чорлагани шунчаки эмас!

Чиндан ҳам теран ўйлашга мажбур қилган ушбу сўзларни эшитиб, дарҳол миямизга мана бу икки фикр келди. Бир “Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир” қақирғи бўлса, иккинчиси, Президентимизнинг давлат мустақиллигимизнинг ўттиз икки йиллигига бағишланган нутқидаги “Давлатнинг вазифаси инсонларни бахтли-саодатли қилишдир. Бу мақсадга эса илм ва яхши ахлоқ ёрдамида эришилади”, деган гаплардир.

Давоми 3-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСИ БИЛАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ РЕЗОЛЮЦИЯСИ

барча давлатлар учун дастуриламал бўлиб, туризм соҳасини янада ривожлантириш ва тиклашга кучли туртки беради

### БИЗ ВА ДУНЁ

26 февраль куни БМТ Бош Ассамблеяси Ўзбекистон томонидан илгари сурилган “2027 йил — Халқаро барқарор ва яшовчан туризм йили” резолюциясини бир овоздан маъқуллади.

Давоми 2-бетда



### ИФТИХОР

## ХАЛҚАРО БАРҚАРОР ВА ЯШОВЧАН ТУРИЗМ ЙИЛИ

жаҳон маданий-иқтисодий, маънавий бирдамлик ҳаётидаги ўзаро ҳурмат ҳалқаси

Ўзбекистон ташаббуси билан илгари сурилган “2027 йил — Халқаро барқарор ва яшовчан туризм йили” резолюцияси БМТ Бош Ассамблеяси томонидан бир овоздан маъқулланди.

Шу хабарни ўқигани ҳамон олис Сурхон, Жарқўтон ёдгорлиги, эски Термиз, Тешиктош ёдгорлиги кўз олдимга келди. Қадимки Термиз халқаро савдо алоқаларида муҳим ўрин тутган. Масалан, Қўшонлар даврида Термиз Хитойдан Ҳиндистон ва ундан

Европага борувчи транзит савдои амалга оширган. Ўша даврда Термизга Ҳиндистондан буддавийлик дини кириб келди. Бу дин юртимизнинг жанубида ривожланиб, янги босқичга кўтарилди ҳамда шу тариқа жаҳон маданий-маърифий ҳаётида ўчмас из

қолдирди. Демокримизки, дунё халқларининг моддий-маънавий тараққиётида савдо, қарвон йўлларининг ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Давоми 2-бетда

### Бугуннинг гапи

## ОРОЛ ҲУДУДИДАГИ “ЯШИЛ ҚОПЛАМА”ЛАР соф ҳаво фабрикаси вазифасини ўтайди



Орол денгизининг суви қуриган ҳудудига экилган саксовул ва бошқа ўсимликлар майдони йил сайин кенгайиб бораётти. Мутасадди ва мутахассислар билан мулоқотларда шунчалик катта саъй-ҳаракатлар қандай самара берапти, экилган қўчат ва сепилган уруғлар киш соғуғи, саратон жазирамасига қандай чидаяпти каби саволларни беришимиз одат тусига кириб қолган. Улар бу борада рақам ва мисолларни далил сифатида келтирса-да, тўғриси, кўнгил негидир тўлавермасди.


Яхшиямки, сунъий йўлдошлар орқали мавжуд манзарани қафсдек қузатиш имконияти мавжуд. Улар ўтган йил декабрь ойи охирида мутахассислар амалга ошираётган ишлар самарасига умид ва ишонч уйғутувчи суратларни ҳавола этди. Бу тасвирларда Орол денгизининг суви қуриган ҳудудда ўсаётган саксовуллар майдони яққол кўзга ташланиб турарди.

Бу ҳақда иқлимшунос Эркин Абдуллаҳов хабар беради, 2018 йилдан сўнг Оролбўйида қучли чанг бўронлари ҳавфи кескин камайиб кетганига ҳам эътибор қаратди. Нанкин чанг (қум) бўрон частоталари пасайган, шу билан бирга, келатган нам ҳаво оқимларидан Оролбўйи атрофида ёғин жадаллиги бошқа минтақаларга нисбатан ортган. Бу нафақат ҳаво айланмалари (циркуляцияси) ҳаракатида, балки Ер сиртидаги фитомассанинг

ўзгаришлари билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. “Мазкур лойиҳанинг юртимиз бўйлаб кенг миқёсда давом эттирилиши минтақа учун жуда ҳам зарур”, дейди иқлимшунос.

Ҳақиқатан, шундай. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва топшириғига кўра, 2018 йил кузидан буён ҳар йили вилоятлардан келган ёрдамчилар, Ўрмон ҳўжалиги агентлиги ва маҳаллий фуқаролар иштирокида Орол денгизининг суви қуриган ҳудудда 1 миллион 730 минг гектар ўрмонзор барпо этилди, яъни 17 минг квадрат километр майдон қўқаламзорлаштирилди. Бу денгиз ва океанлардан узоқда жойлашган нафақат Ўзбекистон, умуман, минтақа қўлалишининг олдини олишга қаратилган жуда улкан лойиҳа ва амалий ишдир.

Давоми 4-бетда



## БОБУРШУНОСЛИК БЎЙИЧА ИЛМИЙ ПЛАТФОРМА ЯРАТИЛАДИ

Ҳозиргача бобурийлар сулоласига нисбатан машҳур бир хатолик асосида шаклланган “Буюк мўғуллар сулоласи” атамасининг оммалашгани, Бобур асарлари, хусусан, унинг энг ийрик асари “Бобурнома”нинг танқидий матни яратилмагани ҳам жамоа олдиға қўшимча вазифалар юклаган.



## Ўртинхор

# ХАЛҚАРО БАРҚАРОР ВА ЯШОВЧАН ТУРИЗМ ЙИЛИ

## жаҳон маданий-иқтисодий, маънавий бирдамлик ҳаётидаги ўзаро ҳурмат ҳалқаси



### Бошланиши 1-бетда

Бугунги замонавий дунёда ҳам бу тунунча ўз аҳамиятини йўқотмаган. Яъни мамлакатлар ривожини учун савдо алоқалари муҳим аҳамиятга эга. Бундай алоқалар мустақамлиги учун эса халқлар орасида ўзаро ҳурмат туйғуси бўлиши керак. Бинобарин, моддий ва маънавий бирдамлик занжир ҳалқасидек бир-бирига узвий боғлиқ.

Дунё халқларини бирлаштирадиган, айни пайтда катта сармоя келтирадиган соҳалардан бири бу — туризм. Шу боис, жорий йил 26 февралда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан “2027 йил — Халқаро барқарор ва яшовчан туризм йили” резолюцияси маъқуллангани тарихий воқеа бўлди. Бу резолюциянинг ташаббускори Ўзбекистон экани эса қалбимизда фахр уйғотди. Ахир дунё халқлари орасида сайёҳликни кенг тарғиб этиш, бунга ҳуқуқий ва иқтисодий имкониятлар яратиш ташаббуси орқали, аслида, дўстлик, бағрикенглик ҳамда кенг кўламдаги ҳамкорлик таклифи билан чиқяпмиз.

Қорақалпоғистондаги Чилпик қалъаси тепасига чиқиб, бепоеъи даштларни томоша қилган, Ахсикентни кўзи билан кўриб, тарихини ўрганган, неандертал боланинг танаси топилган Тешиктош ғорига саёҳат қилган киши юртимиз тарихи нечоғлиқ бой эканини теран ҳис қилади. Ўтмишимизга ҳаваси, бизларга ҳурмати ошади. Энди тасаввур қилинг, дунё халқлари орасида бир-бирига нисбатан шундай қараш шаклланса, аввало, дўстлик, ҳамфикрлик кенгайди, пировардида ер юзида тинчлик ҳукм суради. “2027 йил — Халқаро барқарор ва яшовчан туризм йили” резолюцияси ана шундай жиҳатлари билан муҳим тарихий ҳужжатдир.

Шу ўринда, мазкур ҳужжат халқаро майдонда илиқ кутиб олинганга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, БМТга аъзо давлатлар вакиллари ушбу резолюция ўз вақтида тақдим этилгани, бутунимиз учун долзарб эканини эътироф этди. Резолюцияга 80 дан ортиқ мамлакат ҳаммуаллифлик қилди. Шунинг ўзиёқ фикрлар, қарашлар муштарак эканини аниқлатади. Айниқса, ҳужжат матнини мувофиқлаштириш маслаҳатлашувларида Россия, Хитой Халқ Республикаси, АҚШ, Туркия, Германия, Буюк Британия, Европа Иттифоқи делегацияси, Япония, Корея Республикаси, Миср, Бразилия, Аргентина каби етакчи давлатларнинг экспертлари фаол иштирок этиб, резолюция мазмунини бойитишга муҳим ҳисса қўшгани алоҳида жиҳат.

Хабарингиз бор, 2023 йил октябрь ойида Самарқандда бўлиб ўтган БМТнинг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош Ассамблеяси сессиясида Президентимиз нутқ сўзлаб, туризм соҳасининг янги муаммолар ва замонавий хатарлар олдида барқарорлиги ва мослашувчанлиги борасида фикр билдирган эди. Ушбу фикрлар мазкур резолюциянинг бош мақсади сифатида қабул қилинган билан аҳамиятлидир.

Сир эмас, бутун яхка ҳукморонлик истагидаги айрим кучлар маданий ёдгорликларни ҳам, тарихий қадимжоларни ҳам аяб ўтиргани йўқ. Бундай вайронкорлик инсонлар қалбига нафратни кучайтиради. Иқтисодга катта зарар етказди. Бу ҳар томонлама йўқотиш, дегани. Қабул қилинган ҳужжатда айнан цивилизацияларнинг бой маданий меросини асраш, тинчлик ва бағрикенгликни мустаҳкамлаш, халқларнинг қадриятларини ҳурмат қилиш каби тамойиллар мустаҳкамланган. Афсуски, бутун айрим кучлар халқлар ўртасидаги ҳурмат туйғусини йўқотишга хизмат қилаяпти. Турли минтақаларда кузатилаётган ўзаро

низо ва беқарор вазиятлар эса глобал туризмнинг энг долзарб муаммосига айланмоқда. Шу боис, сайёҳлар хавфсизлигини таъминлаш кун тартибидagi муҳим вазифа ҳисобланади. Хавфсизлик таъминланмас экан, жозибадор ва анъанавий йўналишларда туризм салоҳияти ва сайёҳлар сони кескин пасаяверади.

Давлатимиз раҳбари шунинг учун ҳам ҳозирги мураккаб вазиятни инобатга олиб, халқаро туризм соҳасида мустаҳкам ҳуқуқий асосларни кучайтириш мақсадида БМТ доирасида Глобал хавфсиз туризм кодексини ишлаб чиқишни таклиф этган эди. “2027 йил — Халқаро барқарор ва яшовчан туризм йили” резолюцияси ана шу йўлда ташланган катта қадамлардан бири бўлди.

Саноат-ишлаб чиқариш ривожлангани сари табиатга етказилadиган хатарлар ортиб бориши табиий, албатта. Шу боис, халқаро майдонда табиатни асраш, эко-

Шу ўринда савол туғилади: 2027 йилни Халқаро барқарор ва яшовчан туризм йили деб эълон қилиш соҳа ривожини учун қандай имкониятлар яратадиган?

Йил номи шунчаки расмийлаштирилган бўлиши билан, унга муносиб равишда халқаро ҳужжатлар, келишувлар амалга оширилади. Шу боис, Халқаро барқарор ва яшовчан туризм йилида, том маънода, сайёҳлик учун қатор имкониятлар эшигини очилиши кутилмоқда. Аввало, БМТнинг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ҳукуматлар, БМТ тизимидаги тузилмалар, минтақавий ташкилотлар билан биргаликда йилни муваффақиятли ўтказиш учун комплекс чоралар кўришга чақирилди. Яъни ҳамкор ташкилотлар ва ҳукуматлар ҳужжатда кўрсатилган чора-тадбирлар учун ҳозирдан режа туза бошлайди. 2027 йилда эса шу режа асосида белгиланган вазифаларни бажаришга киришади.



гик муаммоларга бирдамликда ечим излаш мақсадга мувофиқ. Аммо доим ҳам ҳаммани бирдек бу масала атрофида бирлаштириш осон кечмайди. Чунки аҳоли сони ошиши, рақобат кучайиши ортидан моддий манфаатлар устушлик қилаверади. Мамлакатларни экологик муаммолар атрофида бирлаштира оладиган муҳим жиҳатлардан бири эса “яшил” туризмдир. Бундай сайёҳликнинг ривожланиши давлатларга катта миқдорда сармоя олиб келади. Бунинг учун, аввало, биохилма-хилликни ас-

Хўш, вазифалар нималарни ўз ичига олади?

Юқорида таъкидланганидек, аввало, хавфсизлик масаласини кўриб чиқиш керак бўлади. Дастлаб мамлакатлар ички хавфсизлигини таъминлаш, бу орқали хорижий сайёҳларни ўзига жалб этиши зарур. Негаки, ички зиддиятлар кўп, қонунобузликлар тез-тез содир этиладиган жойга ҳеч ким юрак ютиб боравермайди. Шу ўринда, Амир Темур салтанатида ўрнатилган тинчликни эслаш ўринли. Солномачиларнинг



раш, атмосфера ифлосланишининг олдини олиш талаб этилади.

Резолюцияда “яшил” туризмни ривожлантиришга эътибор қаратилгани шу жиҳатлари билан ҳам аҳамиятга молик. Экотуризм иқтисодий ўсиш, тўлиқ бандликни таъминлаш, қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш ва қишлоқ аҳолисининг яшаш шароитини яхшилашга хизмат қилади. Шу орқали барқарор ривожланишга эришилади.

қайд этишича, ушбу салтанатнинг бу бошидан у бошигача қатнаган қарвонларнинг бир тангаси ҳам қамаймаган. Ўғирлик, талончилик бўлмаган. Шунинг учун ҳам ўша даврда мамлакат пойтахти бўлган Самарқанд йirik маданий, иқтисодий марказга айланди. Буни замонамиз ибораси билан айтганда, буюк бобокалонимиз ўз даврида визасиз режимнинг мукамал намунасини яратган.

Биз сўзимиз аввалидан бошлаб сайёҳлик иқтисодий барқарорлик омили эканига

урғу беряпмиз. Бундай барқарорлик, аввало, ижтимоий адолатни таъминлаш шарт. Бошқача айтганда, у орқали камбағалликни бартараф этиш зарур. Бунинг учун жамиятнинг заиф қатламига кўпроқ эътибор бериш керак бўлади.

Резолюцияда айнан шу жиҳатга ҳам урғу берилган. Яъни туризмни ривожлантиришда аёллар, ёшлар, кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг иштирокини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Соҳа иқтисодий имкониятларни кенгайтириш, муносиб иш жойлари ва даромад манбаларини яратишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Албатта, шундай таклиф билан ўртага чиқаётган мамлакат бошқаларга ўрнатилган бўлиши ҳам керак. Ахир аждодларимиз гапи ва амали бир инсоннинг сўзи одамлар қалбига етиб боришини бежиз айтмаган. Мамлакатлар ҳам шундай. Унинг халқаро майдонда айтаётган сўзи ва амал қилаётган қоидалари бир бўлсагина, ишонч қозонади. Шу маънода, юртимизда туризм соҳасида кенг кўламли ислохотлар олиб борилаётганини таъкидлаш жоиз. Биргина мисол, ўтган қисқа вақтда Самарқанд шаҳрида туристик инфратузилмани яхшилаш учун 1 миллиард доллاردан ортиқ маблағ инвестиция қилинган. Сайёҳлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида туризм полицияси ташкил этилди. “Амирсой” қишки курорти, “Афсоналар водийси”, “Зомин” ва “Чорвоқ” зоналари кўплаб хорижий сайёҳлар эътиборини тортadиган халқаро туризм масканларига айланди.

Мақола аввалида Жарқўтон, Тешиктош ёдгорликларини бежиз эсламадим. Негаки, бу тарихий жойларни кўриб, тарихи билан танишиб ҳайратланганман. У жойлардан бошқалар ҳам мен каби завқ олса, юртимизнинг узоқ ва шонли тарихи билан танишса, деб орзу қиламан. Бу, айниқса, ҳозирги кунда жуда муҳим. Зеро, қандайдир шовинистлар узоқ ўтмишга эга халқнинг

давлатчилик тарихи ҳақида гапиришдан олдин жиддий ўйлашга мажбур бўларди.

Энг қадимги шаҳар-давлатлардан бири бўлган Жарқўтон ёдгорлиги Шеробод туманининг чеккасида, бийдай даштда, экин майдонларига туташ ерда жойлашган. Дунё тажрибасидан келиб чиқиб, қадимги шаҳар пойдевори асосида сайёҳлик маскани қилинса, қандай аjoyиб иш бўларди.

Ўзбекистон томонидан илгари сурилган резолюцияда экотуризмни ривожлантиришга ҳам алоҳида урғу берилганки, Тешиктош айнан шу турдаги сайёҳлик оқимида мос келадиган макон ҳисобланади. Улкан тоғ бағридаги бу қадимий маскан нафақат тарихий аҳамияти, балки бетакдор табиати билан ҳам кишини ўзига жалб этади. Бу мен билadиган тарихий жойлардан иккитаси, холос. Эътиборли ва эътирофли жиҳати, юртимизда бу каби масканлар жуда кўп. Уларнинг аксарияти сайёҳлик маконига айланиб бораётгани барчамизни қувонтиради. Масалан, Орол бўйига саёҳат қилиш оммалашиб борапти.

Бир сўз билан айтганда, ушбу резолюцияда белгиланган кўламдор ва устувор вазифалар доирасида юртимизда сайёҳлик янада ривожланишига ҳеч шубҳа йўқ. Туризм масканлари сафи кўпайиши ва туристик хизматлар сифати ошиши, ўз навбатида, сайёҳлик учун янада қулай муҳит яратилиши, энг асосийси, аҳоли фаровонлигини ошириш ҳамда иқтисодийтимиз барқарорлигига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Бинобарин, экспертлар Ўзбекистон томонидан илгари сурилган резолюция туризм соҳасининг глобал даражада янги босқичга кўтарилишини бошлаб берганини бежиз таъкидламади.

**Боборовшан ҒОЗИДДИНОВ,**  
журналист

## БИЗ ВА ДУНЁ

# ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСИ БИЛАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ РЕЗОЛЮЦИЯСИ

барча давлатлар учун дастуриламал бўлиб,  
туризм соҳасини янада ривожлантириш ва  
тиклашга кучли туртки беради



### Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон раҳбари томонидан туризмнинг турли цивилизациялар бой маданий меросини асрашда, тинчлик ва бағрикенгликни мустаҳкамлашда, халқларнинг қадриятларини ҳурмат қилишда муҳим ўрин тутиши тўғрисида баён этилган тамойиллар ушбу резолюцияда мустаҳкамланган.

Ҳужжатда экология, биохилма-хилликни асраш ва атмосферанинг ифлосланишини камайтириш йўлида “яшил” туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган, шунингдек, БМТнинг бутун дунё бўйлаб экологик тоза ва барқарор туризмни ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлари олқишланган.

Делегациялар Ўзбекистон ташаббусини юқори баҳолади. Шунингдек, 2023 йил октябрь ойида Самарқандда муваффақиятли ўтказилган БМТнинг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош Ассамблеяси 25-юбилейи сессиясида

қайта тиклана олди ва 2024 йилда 2019 йил даражасига қайтиши кутилмоқда. Бу Халқаро йил учун белгиланган мақсадларни тўлиқ амалга оширишга мустаҳкам пойдевор яратди ва ЮНВТОнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун аъзо давлатлар билан биргаликдаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди.

Биз, ЮНВТО сифатида ушбу ташаббуснинг қабул қилинишидан хурсанд бўлиш баробарида резолюцияни амалга ошириш доирасида халқаро миқёсда тегишли тадбирларни ташкил этиш масъулиятини ўз зиммамизга олишга тайёрмиз”.

Тадбир якунлари бўйича БМТ янгиликлар хизмати Ўзбекистон ва Мальдив ороллари ташаббуси билан қабул қилинган ушбу резолюцияга бағишланган “Бош Ассамблея 2027 йилни Халқаро барқарор туризм йили деб эълон қилди” сарлавҳали мақолани чоп этди.

Унда қайд этилишича, резолюция БМТга аъзо давлатларни Бирлашган

**Бош Ассамблея йигилишида шахсан иштирок этиш учун Мадриддан келган ЮНВТО ижрочи директори Зорица Урошевич Жаҳон сайёҳлик ташкилоти БМТ Бош Ассамблеяси томонидан бир овоздан қабул қилинган бундай муҳим резолюция ташаббускори бўлган Ўзбекистон раҳбариятига чуқур миннатдорлик билдиришини таъкидлади.**

сиясининг мантиқий давоми бўлган мазкур резолюция ўз вақтида қабул қилингани ва долзарблиги алоҳида таъкидлади.

Экспертлар фикрича, Ўзбекистон томонидан илгари сурилган мазкур резолюция туризм соҳасининг глобал даражада янги босқичга кўтарилишини бошлаб беради.

Бош Ассамблея йигилишида шахсан иштирок этиш учун Мадриддан келган ЮНВТО ижрочи директори Зорица Урошевич Жаҳон сайёҳлик ташкилоти БМТ Бош Ассамблеяси томонидан бир овоздан қабул қилинган бундай муҳим резолюция ташаббускори бўлган Ўзбекистон раҳбариятига чуқур миннатдорлик билдиришини таъкидлади.

“Бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўтган йил октябр ойида Самарқандда бўлиб ўтган ЮНВТО Бош Ассамблеясининг 25-сессиясида билдирган фикрларини тўлиқ мос келади, — деди у. — Резолюция барча давлатлар учун қўлланма бўлиб хизмат қилади ва кўплаб инкирозлар ҳамда коронавирус пандемиясидан жабр кўрган, бироқ ақл бовар қилмайдиган чидамлиликни намойиш этган туризм соҳасини янада ривожлантириш ва тиклашга кучли туртки бўлади. Туризм сектори 88 фоизга

Миллатлар Ташкилоти тизимидаги тузилмалар, минтақавий ташкилотлар билан биргаликда йилни муваффақиятли ўтказиш учун комплекс чоралар кўришга қақиради.

У барча манфаатдор томонларга барқарор ривожланишни рағбатлантириш ва тезлаштириш воситаларидан бири сифатида барча даражада, жумладан, халқаро ҳамкорлик йўналиши бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга кўмаклашиш, шунингдек, барқарор ва яшовчан туризмни қўллаб-қувватлаш учун Халқаро йилни самарали ўтказишдан фойдаланишни тавсия қилади.

“Ўтган йилнинг октябр ойида Самарқандда бўлиб ўтган ЮНВТО Бош Ассамблеяси сессияси муайян устуворликлар атрофида соҳани узоқ муддатли ўзгартириш бўйича аниқ қарашларни илгари суриш муҳимлигини тасдиқлади”, дейилади мақолада.

БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг айтишича, туризм жаҳон иқтисодийнинг энг йирик тармоқларидан бири сифатида маданиятларни янгилаштириш, янги имкониятлар яратиш ва барқарор ривожланишни рағбатлантириш учун улкан салоҳиятга эга.

“Дунё” АА

Нью-Йорк шаҳри

## БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

МАЪНАВИЙ ҲАЁТИМИЗДА ЯНГИ ЎЗГАРИШЛАР  
ДАВРИ БОШЛАНАЁТГАН ЭКАН, ҲАРБИЙ-  
ВАТАНПАРВАРЛИК ОМИЛИ УНИНГ ТОЖИ  
БЎЛИШИ, ЯЪНИ БАРЧАГА — ҲАМ ЎЗИМИЗ, ҲАМ  
ТАШҚАРИДАГИЛАРГА КЎРИНИБ ТУРИШИ ЛОЗИМ!



Азамат ЗИЁ,  
ФА Тарих институти  
директори, академик

### Бошланиши 1-бетда

Улуғ бобомиз Абдулла Авлонийнинг юз йил бурунги даъвати бир аср вақт ўтиб ҳам тарихий қимматини йўқотмаганини тан олиш керак. Билим, изланиш, ўз устида ишлаш тақозоси янги Ўзбекистонимизнинг илк пайтларидан ҳозиргача кун тартибидан тушган эмас. Бироқ айнан мазкур омил эндиликда долзарбланишининг ўз сабаблари бор, деб ўйлаймиз.

Ким нима деса-десин, лекин халқро муносабатларда ўзига ҳос ўринга эга фаранг давлатининг етакчиси Макрон жанобларининг Ўзбекистонга келиб, Регистонни яна бир кўрсам, дейишида шунчаки бир тасодиф ва рамзий нимадир бор, демаган бўлардик. Ё бўлмаса, ер ости, ер усти бойликлари учун босиб олиниб, бир юз эллик йил пахтаси ва гази четга ташиб кетилиши, сотилишига “иқтисошлантирилган” ўлкада уларнинг тескари “оқишлари”га эришиш кўпчилик ўйлаётганидек, аникроғи, ҳаёлига ҳам келтирмаётганидек оддий бир кўрсаткич эмас. Хўш, бунинг сабаби нима?

Сабаби, ўзбек давлати кучга айланмоқда, борган сари ўз тарихий ҳақ-ҳуққини қайтариб олмақда. Кимлардир бошида янги Ўзбекистон ғоясига ишонмаган, кўп йиллик ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ботқоқликдан чиқиб кетишимизга ақллари етмаган ёки буни истамаган бўлиши мумкин. Аммо 2016 йил кузида бошланган ўзгаришлар ва янгиланишлар жараёни уларни биз билан ҳисоблашишга, ютуқларимизни тан олишга мажбур этмоқда. Ушбу ҳақиқатнинг бошқа, парда орти томони ҳам бор. Ҳали у ёқда, ҳали бу ёқда “Ўзбекистон ким томонда?” деган сиёсий саволлар пайдо бўлган пайтда давлатимиз раҳбари томонидан ўтган йил кўкламда Термиздаги чиқишида айтилган “**Миллатим, халқим, буюк Ўзбекистон томонидан**”, деган дангал жавобнинг мағзини ҳудди шу нуқтан назардан қаиб кўрсак, вазият янада ойдинлашади.

Уч минг йиллик тарихга эга Ўзбек давлати ўз табияти илгидан қувват олиб, янгиланиш кучидан бўй-баста улғайиб боргани сари ташқи хуружлар ҳам жонланишдан тинмаётганини илгамаслик мумкин эмас. Ахир Марказий Осиё — Туркистон ва туркий дунёни бирлаштириш, Африқонистон билан муносабатлари яхшилаш, ислом оламиндаги азалий мавқеини тиклашни бошлаш, наманам деган давлатлар билан тенгма-тенг гаплашиш биз дунё ишларидан юз эллик йил узилиб қолганимиз шароитида халқро миқёсдаги азалий ва меросий ўринларимизни бўлишиб олганларга ёқадими? Албатта, ёқмайди.

Инсон ҳақ-ҳуқуқлари, сўз, эътиқод эркинлиги, эркин сийлов, мажбурий меҳнатни тутатиш, мулк дахлсизлигини таъминлаш сингари ўнлаб омиллар, энг аввало, ўзимизга керак. Негаки, уларсиз замонавий давлатчиликнинг ярато олмаймиз, илгор ва рақобатбардош турмуш тарзини янгилаш кўёлмаймиз. Янги Ўзбекистондан бош мудоао ҳам аслида шу! Бироқ уларнинг кимларнингдир қўлида бизга қарши қурол ўлароқ хизмат қилиши, бошимиз узра уртқимоқ бўлиб туришига ҳам ҳеч қачон кўнмаймиз! Бошқача айтганда, қандайдир етти йил ичида мазкур неча асрлик муаммоларни бартараф этиш борасида эришган тарихий ва инқилобий ютуқ ҳамда марраларимиз кимларнингдир қистови билан эмас, балки миллатимизнинг юксалиш манфаатларига кўра амалга оширилди ва шундай давом этажак!

Жараёни умумлаштириб таҳлил этсак, ушбу ўта қисқа муддат яна бир ҳақиқат — Ўзбекининг қўлидан анча-мунча ишлар келишини, агар қаттиқ киришса ва оқилона сиёсат юритса, ҳар қандай тўсиқни босиб ўта олишини аёнлаштиради. Маънавият ва маърифат кенгаши йиғилишида тилга олинган **соҳаларни рақамлаштириш, “яшил” ва инно-**

вацион технологияларнинг жадал кириб келиши, бутунлай янгича ва замонавий саноят, энергетика мажмуалари, автомобил ва темир йўллар, технопарк ва IT-парклар, “ақлли” ва электрон бошқарув тизимлари барпо этиш сингари жиҳатлар бугунги миллий иқтисодиётимиз учун табиийликка айланиб улгурган, бироқ улар ўн йил бурун орзу-ҳавас экани кўзда тутилса, “**жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир**” тенгмаси моҳиятини чуқурроқ англаш имконини тугдиради. Яъни миллий иқтисодиётнинг кўлам ва сифат даражаси маънавий-маърифий муҳитнинг мазмунини белгилаб беради.

Демак, “**Бугунги Ўзбекистон кечаги Ўзбекистон эмас, бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас**” экан, биз учун ҳаёт-мамот масаласи саналмиш яхши ахлоқни тарбиялаш ишини ҳам эскича қараш ва ёндашуларда давом эттиришга ҳаққимиз йўқ! Шу маънода, кенгашида “**Маънавият ва маданият соҳасидаги ишларимиз учун методик асос бўлиб хизмат қиладиган миллий ғоямизни**



Жадидларимиз-чи? Уларнинг ўн тўққизинчи юзйиллик охирларидан йигирманчи юзйиллик ўттизинчи йиллари сўнгигача — қирқ йилни мустамлакачилик шароитидаги ғоявий-сиёсий майдонда тинимсиз курашларда ўтказганининг аҳамиятию укубатларини ҳали ҳам тушуниб етмадик! Улуғ ёзувчи ва шоир Чўлпоннинг “Қуллик қўшиғини тинглагон менмен... Ҳайвон қаторида саналгон менмен” сатрлари ортида миллатимиз бошига тушган не-не савдолар фарёди борлигини бугунги ёшларимиз онгига сингдиришимиз ўта-ўта зарур ишдир!

“Илҳақ”, “Меңдирман Жалолиддин” сингари фильмлар дунёга келди. Шу тарика собиқ шўро мафкуриси қон-қонига сингиб кетган, Станиславский-Данченко “тизими”дан бошқасини тан олмайдиган соҳага ҳам янгиланиш еллари кириб борди. Тўғри, улар мукамал эмас. Бўлиши ҳам мумкинмас. Негаки, бу борада бизда, юмшоқроқ айтганда, тажрибанинг ўзи йўқ эди. Демак, йўл-йўлакй ўрганишимизга тўғри келяпти.

# ЯШАБ ҚОЛИШИМИЗ ШАРТИ

ривожлантириш бўйича алоҳида дастурий ҳужжат ишлаб чиқишимиз лозим”лиги бежиз урғуланмади. Негаки, она сuti озгидан кетмасданоқ ахборот технологияларини ўзлаштиришни эплаётган, яшаб турган шахри, қишлоғи ҳавосининг тозалиги ҳақида қайғуришга ўтган, электр автолов миниб, уйини қуёш қуввати билан ёритиб, кечагина тушишга кам қирмаган очик бюджетнинг каловини топиб, боласининг келажаги ҳақида куйина бошлаган авлод билан энди эскича гаплашиб бўлмайди!

Ботчага қамров етти йил деганда 27 фонздан 74 фонзга етишини ҳар қанча олқишласак арзийди. Бу ишни наманам деган унча-мунча давлат ҳам эплай олмаслигини бемалол айтишимиз мумкин. Негаки, давлатимиз раҳбарининг қатъий ва оқилона сиёсати ўлароқ эришилган ушбу тарихий марра

маган Темурбекнинг Ўғуз (Амударё) дарёси бўйида туриб, амакиси Ҳожи барлосга қара-та айтган мана бу сўзларини Ўзбекининг ҳар бир авлоди ва боласи ҳеч қачон унутмаслиги шарт: “**Агар биз Ватанини ташлаб кетсак, ота юртимиз бегоналар қўлига тушажак**”.

Айнан мазкур сиёсий қараш — эл-юрт қайғуси ўлароқ қўйилган илк ботир ва оқил қадам ўн йил деганда ватанин келгиндилардан буткул тозалаш ва яна ўттиз беш йил деганда буюк салтанат қуриш, Самарқандни дунё марказига айлантириш, Иккинчи Уйғониш даври пойдеворини қўйиш имконини тугдирганини ҳеч ким инкор эта олмайди!

Агар чуқурроқ ўйлаб қўрилса, ўзимиз ва жаҳон халқлари тарихидаги ҳамма улуғ ишлар ватан омилидан бошлангани, барча қаҳрамонликлар Юртни асраш йўлида юз бергани аёнлашади.



ортида жуда катта ташкилий, ҳуқуқий, иқтисодий ишлар кўламини машаққати бор. Бироқ яна бир, кўпчилик эътиборидан панада қолаётган жиҳат борки, энг улкан ютуғимиз ҳам аслида шудир: **ота-оналар, бува-буваларнинг камида чорак кам юз фоииз бўла-чақалари ҳақида қайғуришни бошлади**. Демак, келажагимиз ҳақида куйинишни ўрганаётган эканмиз, умуммиллий даражадаги яхши хулқ омилидан кўз юммасликка ҳам тайёрмиз. Бу эса, ўз ўрнида, Маънавият ва маърифат кенгаши йиғилишининг сўнгига “**...бугунги учрашув маънавий ҳаёти-мизда янги ислохотлар даврини бошлаб беради**”, деб билдирилган ишончининг негизи бўла олади.

Ушбу пойдеворнинг бош ғояси эса минг йиллар ичра синовдан ўтиб келаётган омил — юртсеварлик ва миллатсеварлик бўлиб қолишига ҳеч бир шубҳа йўқ. Зеро, барча улуғ ишлар ҳудди шу кучдан, завол топишларининг ҳаммаси айнан шу қудратнинг йўққа чиқарилигандан бошланган. Илм-фан қанчалар илгарилаб кетмасин, иқтисодиёт неқадар юксалмасин, юртсеварлик ва миллатсеварлик қимматининг охори ҳеч қачон тўқилмайди. Шу маънода, Соҳибқирон бобомиз сиёсий фаолияти бошланган палладаги ўта муҳим, бироқ темиршунослар томонидан илганмай ёки атайин четлаб келинаётган бир жиҳатга диққатини тортган бўлардик.

1360 йили тарихий Мўғулистон ҳукмдори Тугълук Темурхон қўшин тортиб келаётганини эшитган барча йирик сиёсий кучлар тумтарақай бўлган пайтда ҳали йигирма бешга тўл-

жавобгарликдаги тенглик омили бор. Буни ўша кезларга оид, хотин-қизларга тегишли қабрлардан қурол-ярроғлар ҳам топилгани исботлайди. Агар ўша кезлар тушунчаларига кўра, дунёдан ўтганларни улар тириклигида энг азиз ва зарур саналган нарсалари билан қўмиш одати бўлгани кўзда тутилса, киндик қони тўкилган тупроқ ҳимояси бурчи жонсиз молюларимизнинг арвоҳларида ҳам яшагани ойдинлашади.

Орадан 2000 йил ўтиб ҳам, хусусан, Амир Темур қўшинида найза санчиш, қилич уйна-тиш, ёйдан ўқ узишда моҳир эркаклардан қо-лишмайдиган хотин-қизлар бўлганига доир гувоҳликлар эса жанговарлик руҳи ўзбек аёлларини ҳеч қачон тарк этмаганига ёрқин тасдиқдир.

Давлатимиз раҳбари вазирнинг юраги мен Ўзбекман дея фахрланиб, ватанпарварларча уриши борасида бекорга куйиниб сўзламади. Биз бутун нозиктаб, жисмоний уринишларга йўқдек қабул қиладиган ижод ва дин аҳлини ҳам кўзда тутиб айтадиган бўлсак, ўтмишда миллатимиз бошига тушган синов-ли кунларда мен давлат амалдориман, мен ижодкорман, мен имомман, дея четга чиқишлар бўлган эмас.

Мавқеидан қатъи назар, барча амалдорлар, жумладан, ҳокимлар, вазирлар, газна-чадан баковулгача кўлда қурол билан уруш майдонларида жавлон урганига оид мисоллар манбаларда етарлича топилади. Энг муҳими, улар болалиқдан ҳарб иши — қилич чопиш, ёйдан ўқ узишга ўргатилган ва бу борада ўз устида тинимсиз ишлаган.

Нажмиддин Кубронинг Чингизхон қўшини қарши жангда қафтида байроқни қаттиқ тутганича жон берганини зўрга айтгамиз-ку, бироқ дин пешволаримизга ибрат ўлароқ урғуламаймиз. Турли енгил-елпи баҳоналар орқали Дукчи Эшон жасоратини ҳам йўққа чиқардик. Холбуки, унга баҳони мустамлакачи ҳарбий прокурорнинг ўзи бериб қўйган эди: “**Дукчи Эшон ўлкада рус ҳукмронлигини ағдариш мақсадида кишлоқ ва шаҳар аҳолисини қурол билан бош кўтаришга отлантирди**”. Мана, бизнинг дин пешволаримиз қандай бўлган — миллат, юрт учун дорга тик боққан!

Босқинчиларга қарши урушларда олимлар, ижод, қалам аҳли ҳам четда турмаган. Бунга оид мисоллар етарли. Улардан бири Ўзбекининг улуғи Маҳмуд Чағгиний билан боғлиқ. Қўёшни ўзидан нур тарқатуви сайёраларнинг яхшиқас, деб ҳисоблаш мумкинлиги, атом ва молекуларлар ҳақида илмий қарашларни илгари сурган буюк олимимиз ҳам 1221 йили Чингизхон қўшинига қарши курашда шахад кетганини барчамиз, айниқса, зиёлиларимиз ҳеч қачон эсдан чиқармаслиги керак.

Келаси йил 160 йил тўладиган Тошкент ҳимоясининг гувоҳи бўлган тарихчининг “**Шаҳар аҳлининг етти ёшидан етмиш ёш-гача эркак-хотин, ёш-қарис хизмат кама-рини белларига боғлаб, пишган таомларни бошларига қўтариб, қатик, сут, шарбат, иссиқ нон ва ширин меваларни саватларга солиб, юрт қўрқинчиларга турган жойларга олиб бориб, илтижо, тавалло ва дилдорлик қилиб, кўзларидан ҳасрат ёшларини оқи-зиб, кўз ёшлари билан улар юзларидаги чангу губорларни ювиб, кўзгудек артиб-тозалалаб, келтирган нарсаларини еб бити-ришларини илтижо қилдилар**”, деб ёзганини изоҳлаш ортиқча, албатта.

Жадидларимиз-чи? Уларнинг ўн тўққи-зинчи юзйиллик охирларидан йигирманчи юзйиллик ўттизинчи йиллари сўнгигача — қирқ йилни мустамлакачилик шарон-тидаги ғоявий-сиёсий майдонда тинимсиз

курашларда ўтказганининг аҳамиятию укубатларини ҳали ҳам тушуниб етмадик! Улуғ ёзувчи ва шоир Чўлпоннинг “**Қуллик қўшиғини тинглагон менмен... Ҳайвон қаторида саналгон менмен**” сатрлари ортида миллатимиз бошига тушган не-не савдолар фарёди борлигини бугунги ёшларимиз онгига сингдиришимиз ўта-ўта зарур ишдир!

Хуррият туйғуси ва давлатчилик бор экан, ватанпарварлик руҳи ва тарбияси масаласи, ундаги жанговарлик, юрт учун жондан кечиш мавзуси ҳеч қачон ўлмайди! Негаки, энг замонавий қуролни ҳам инсон бошқаради. Инсонни эса иродаси!

Ғарблик кўпни кўрган бир донишманд-нинг айтиб беришича, Вьетнам урушида ютқазилгани учун ўтган аср етмишинчи йил-лари иккинчи ярмида АҚШ ёшларининг ҳар-бий хизматга қизиқиши ўта сусайиб кетгану саксонинчи йиллардан яна жонлана бошлаган. Бунинг сабабини эшитиб ҳайрон қолдик: 1982 йили катта-кичик экранларга “Рембо” фильми чиққан, аникроғи, чиқарилган! Яъни миллий қаҳрамон пайдо бўлган. Кейинги йилларда ушбу рукнда яна бешта киноасар, болалар учун мультсериал ишлангани, қанчадан-қанча видеоўйинлар ўйлаб топилгани ҳам бежиз эмас.

Шу маънода, Маънавият ва маърифат кенгашида “Тирик тарих” рукин остида Ва-танимизнинг шонли ўтмишига бағишланган 50 та бадийий фильм яратиш масаласи ўртага ташланганини алоҳида урғулаган бўлардик. Тарихда ўтган улуғ шахслар ва ўтмишда юз берган буюк воқеаларнинг кўла-ми борасида унча-мунча миллат ва дав-лат бизнинг олдимизга тушолмайди, десак хато гапирмаган бўламиз. Бироқ Томир хо-тун, Широқ, Маҳмуд Торобий, Мавлонзода,



Абдурахмон жевачи, Иброҳимбек сингари ўнлаб миллий қаҳрамонларимиз бўла туриб, яқин-яқингача уларни омалаштириш, айниқса, миллионлар эмас, миллиардлар онгига етиб бориш куч-қудратига эга нодир ва ўткир қурол — кино орқали ушбу усту-нлигимизни юзага чиқаролмай келганимиз ҳам ҳақиқатдир.

Сўнгги йилларга келибгина бу борада илк қадамларни ташлаш имкони тугилди. Бугун-ги эркин ҳаётимиз учун бошларини кундага қўйган жадид боболаримизга бағишланган киноасарлар, жумладан, “Авлоний”, “Ибрат”, шунингдек, “Имом Термизий”, “Исломхўжа”,

Президентимизнинг корхона ва муассасаларда ойнинг бир кунини “Театр кунини” деб эълон қилиб, ходимларнинг “ибратхо-на”ларга боришини йўлга қўйиш ташаббуси бежиз эмаслигини таъкидлаган бўлардик. Гап шундаки, биз ҳам институтимиз жамоа-си билан Миллий театрға бордик. Илмий қизқишларимиз доирасида бўлган “Усмон Носир” томошасини ташладик. Аввало, саҳналаримизга қатагон қурбонлари мавзуси чиққанининг ўзи катта бир воқеадир. Шу билан бирга, ўша кунни яққол кўзга ташланган бир жиҳатга тўхталмаслик мумкин эмас, деб ўйлаймиз.

Усмон Носирни қамоққа олиш саҳнаси-даги қий-чувлар, ўзини оқлашлар, отанинг юрагини чангаллаб, ўзидан кетиб қолишию онанинг фарёдлари киши туйғуларига татсир этади, бироқ онги ва феълини тарбиялаш-га хизмат қилмайди, деб ишонамиз. Бунинг ўрнига **Усмон Носир “Сенлар босқинчи, қонхўрсан, миллатим душманларисан”, деса, отаси қаддини тик тутган ва ўзини йўқотмаган ҳолда “Усмон, сендек ўғлим борлигидан фахрланаман, бир бошга бир ўлим, юрт учун ўлмоқ шарафдир”, деган-да, онаси “Мана бу жаллодлар олдида тиз чўкканингда, Ўзбек йигити шаънига доғ туширганингда, берган сўтимдан рози бўлмасдинг, бор, сени Худого топширдим”, деса, тарбиявий аҳамияти бутунлай ўзгача бўларди, назаримда. Бу шахсий фикримиз, албатта.**

Масаланинг айнан ушбу — ғаним олди-да қиз эмаслик, таҳдидлардан қўрқмаслик, қийинчиликларга чидамиллик, ҳар қандай шароитда юксак ва эзгу мақсадлардан қайт-маслик, эл-юрт бирлигига ҳиснат қилмаслик сингари омилларига бежиз урғу бермаяпмиз. Негаки, ўтган қисқа муддатда жамиятимиз ва

давлатимизнинг барча ҳал қилувчи йўналиш-ларида туб ўзгаришлар юз бериб бўлди. Юз берибгина қолмай, бизни бошқача ишлаш ва яшашга ундамоқда, дунё миқёсидаги кескин рақобатта чорламоқда. Демак, энди барчаси ўзимизга боғлиқ бўлмоқда: ё ҳаёт, ё мамот — ё бугун, ё ҳеч қачон! Бу ёрғу дунёда яшаб қолишимизнинг ушбу шарти бажарилишини эса Президентимизнинг мана бу даъвати ка-фолатлашига қаттиқ ишонамиз: “**Халқимиз, айниқса, фарзандларимиз онгига Ватанга мухаббат, юртимиз келажагига дахлдор-лик, тинч, эркин ва фаровон ҳаётнинг қад-рига етиш туйғусини кучайтириш**”.



Бугуннинг гапи

# ОРОЛ ҲУДУДИДАГИ “ЯШИЛ ҚОПЛАМА”ЛАР соф ҳаво фабрикаси вазифасини ўтайди



Абдурауф ҚОРЖОВОВ, шархловчи

Бошланиши 1-бетда

## Денгизни аввалги ҳолатига қайтариб бўлмайди, лекин...

Тадқиқотчилар таҳлилича, мамлакатимизнинг 80 фоизи чўл ва ярим чўллардан иборат. Ҳозирги вақтда қарийб 10 миллион гектар яйловлар тубдан яхшиланишга муҳтож бўлса, кўчадиган қўмлар қарийб 1 миллион гектар майдонни эгаллайди ва унинг икки юз минг гектари сўнгги вақтда сўғориладиган ерлар атрофида пайдо бўлган. Кейинги даврда Орол денгизи сувининг қуриши туфайли мамлакатимизда яна кўшимча 3 миллион гектардан ортиқ майдонда Оролқум чўли пайдо бўлди. Натияжада ушбу минтақада экологик муҳит ёмонлашиб, чўлланиш жараёнлари янада кучайди ва қўлбал ижтимоий муаммоларни юзага келтирди. Ҳисоб-китобларга қараганда, Оролқумдан кўтариладиган қум ва чанг бўронлари туфайли йўқотишлар Қорақалпоғистонда йилга 44,2 миллион долларни ёки ялпи ички маҳсулотининг 2,1 фоизини ташкил этади.

Айни кезде технологик жиҳатдан Оролни аввалги ҳолатига қайтаришнинг иложи йўқ. Бундай шароитда ягона йўл — борини асраб қолиш, фожиа таъсирини камайтириш, одамлар ҳаётини яхшилашга қаратилган тадбирларни амалга оширишдан иборат.

Ўзбекистон ана шу йўналишлардаги мақсад-вазифалар бўйича муҳим амалий тақлифларни БМТ Бош Ассамблеяси сессияларида, халқаро саммитларда илгари суриб келади. Ана шулардан бири Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган 2021 йил 18 майдаги БМТнинг махсус резолюциясига кўра, Оролбўйи минтақаси экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди ҳисобланади. Мамлакатимизда мазкур ҳужжат ижросини таъминлашга қаратилган “Йўл харитаси” белгилаб олинган. Унинг доирасида 312 миллиард сўм, 22,2 миллион доллар ва 6 миллион евро ажратилган 71 та тадбир, шунингдек, 1,9 триллион сўмлик 65 та устувор инновацион лойиҳани амалга ошириш ишлари давом этмоқда.

2018 йилнинг 27 ноябрь куни БМТ қароргоҳида нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон ҳамжамияти учун ҳам тарихий воқеа юз берди: Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавф-

сизлиги бўйича кўп томонлама шериклик Траст жамғармаси ташкил этилди. Мазкур фонд Оролбўйидаги аҳоли турмуш фаолияти билан боғлиқ бўлган табиий, иқтисодий ривожланиш, экологик, ижтимоий ҳимоя ва бошқа соҳалар билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал қилишда мувофиқлаштирилган ёндашувни йўлга қўйиш, Ўзбекистон ҳукумати, БМТ агентликлари, донорлик ҳамжамиятларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш орқали минтақани ривожланиш жараёнига биргаликдаги ёрдамни таъминлаш, техник ҳамда молиявий ресурсларни сафарбар қилиш каби ишларни амалга ошириб келмоқда.

Ўтган йилга келиб, жамғарма стратегияси доирасида Оролбўйи минтақасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ, турли лойиҳаларни молиялаштириш учун 244 миллион долларга яқин маблағ жалб қилинган. Шу билан бирга, жамғарма томонидан 5 та қўшма дастур молиялаштирилди.

Бунда асосий эътибор денгизнинг қуриган тубидан миллионлаб тонна чанг ва заҳарли тузидан кўтарилишининг олдини олиш учун шўлга чидамли ўсимликлар екинга қаратилмоқда. Бунинг учун саксовул, қорабўроқ, қандим, черкез каби чўл ўсимликларининг уруғи ва кўчатлари тайёрланиб, оғир шароит бўлишига қарамай, экиш ишлари давом эттириляпти. Коинотдан олинган суратлар уларнинг ҳозирча сиёрақроқ ўсаётганидан, лекин кўп ўтмай, куюк ўрмонзорга айланишидан далолат беради. Чунки ўтказилган тадқиқотлар кургоччиликка ва шўр туپроққа чидамли бўлган маҳаллий дарахтлар, буталар ва ўт-ўланларни аралаш ҳолда экиш ҳисобига қайта тиклаш мумкинлигини амалда кўрсатмоқда. Бунинг натижасида маҳаллий аҳолининг саломатлиги ва фаровонлиги яхшиланиши билан бир қаторда ҳар йили 28-44 миллион доллар миқдорига кўшимча фойда келтириши ҳамда туپроқдан углерод чиқишининг олдини олиш ва атмосферадан карбонат ангидридни ютиш орқали иқлим ўзгаришини юмшатиши мумкин.

— Саксовул уруғини айнан куз ва қиш ойларида экиш мақсадга мувофиқ бўлади, — дейди Ўрмон хўжалиги агентлиги бош мутахассиси, биология фанлари номзоди Ҳожи-мурод Толипов. — Уруғ қиш бўйи қор, ёмғир суви остида ётади ва баҳорда ўсиб чиқиши учун яхши имконияти яратилади. Оролнинг шимолӣ минтақага хос иқлими бу юмушни давом эттириш, кўчат ўтказишга кўпроқ эътибор қаратишни талаб қилади.

Саксовулзорлар барпо этиш орқали кўча қўмлар мустаҳкамланади, чўлланиш жараёни секинлашади, ернинг устки қисмида шамол тезлиги камаяди, чанг тўзонлари бўлиб ҳавога туз ва қум зарралари кўтарилиши тўхтабди. Масалан, бир гектар майдондаги 2 ёшли саксовулзорда шамол таъсирида қум кўчилиши 20 фоиз, 5 ёшлисида 80 фоиз, 7 ёшли саксовулзорда эса тўлиқ тўхтабди. Натияжада иқлим мўътадиллашади, аҳолининг яшаш учун ижтимоий-иқтисодий муҳит барқарорлиги таъминланади.

Оролбўйида ва денгизнинг суви қуриган ҳудудда ҳосил қилинаётган “яшил қоплама”ларнинг аксарият қисмини саксовулзорлар ташкил этапти. Унинг атроф-муҳит ҳавоси софлигини



таъминлашдаги хизмати ҳам катта. Бир гектар майдондаги тўрт йиллик саксовулзор 1158 куб метр кислород ажратиб чиқаради. Бу ва экилаётган бошқа чўл ўсимликларини бамисоли соф ҳаво “фабрикаси” дейиш мумкин.

Яна бир жиҳати, саксовулзорларда ёввойи ҳайвонлар пайдо бўлмоқда, чорва учун озуқабоп экинлар экилмоқда. Ушбу ҳудудда қазилган ўнлаб артезиан қудуқларидан сув чиқарилиши натижасида жойларда сунъий қўллар ҳосил бўлди, улар атрофида қамишзорлар вужудга келди, дарахт ва буталар ўса бошлади. Қўмликларда барпо этилган саксовул ва бошқа чўл ўсимликларидан иборат майдонлар улар билан уйғуллашиб, чўл экотизимлари тикланипти, ёввойи ҳайвонлар ва қўшларни ўзига жалб этишга, шу ерда яшашга, ин қуришга ҳамда кўпайишга шароитлар яратяпти.



— Ўрмон барпо этишда, аввало, ҳар қайси дарахт ва бутанинг биологик, экологик хусусиятларини ҳисобга олиш катта аҳамиятга эга, — дейди Ихота ўрмонлари ва ўрмон мелиорацияси лабораторияси кичик илмий ходими Гўзал Отазонова. — Шундан келиб чиққан ҳолда чўл зонасига, аҳоли яшаётган ҳудудларга алоҳида дарахт ва бута турлари танлаб экиш тавсия этилади.

кечади. Микроиклим мўътадиллашиши баробарида яйловзорлар унумдорлиги ҳамда озуқалик сифати 2-3 баробар ошади.

## Навбатдаги мавсум бошланди

Февраль ойининг учинчи ҳафтасида Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва

иқлим ўзгариши вазирлиги, Ўрмон хўжалиги агентлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда экофаол ёшлар ҳамкорлигида Орол денгизни тубида саксовул экишнинг навбатдаги мавсуми бошланди.

— Бу йил тузли ва қўмли шамоллар ҳосил бўладиган энг заиф жойларда яшил майдонлар яратишни режалаштирганимиз, — дейди Ўрмон хўжалиги агентлиги илмий-тадқиқот институтининг лойиҳа раҳбари Зиновий Но-вицкий. — Президентимиз 100 минг гектар майдонда кўриқланадиган ўрмонзорлар барпо этиш вазифасини қўйган. Биз 150-200 минг гектар майдонга дарахт экишни мақсад қилганимиз. Қум ва чанг бўронлари масаласини давлатимиз раҳбари шахсан назорат қилади ва ҳозирда мамлакатимизда бу муаммога қарши самарали кураш олиб бориляпти. Уни ҳал этишда ўрмон питомникларини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Жорий йилда 150 гектар майдонда питомниклар яратиш, у ерда саксовул, черкез, қандим каби чўл ўсимликларини етиштириш кўзда тутилган. Бугунги кунгача ўрмон хўжаликлари томонидан 192,63 тонна чўл ўсимликлари уруғлари экишга тайёрланди.

Энди мазкур статистик маълумотларга эътибор қаратайлик. Ўзбекистонда ўрмон фонди ерлари юртимиз умумий ҳудудининг 11,9 миллион гектарини, яъни 26,4 фоизини ташкил этади. Шундан ўрмонзорлар майдони 5,3 миллион гектарга (11,8 фоиз) тенг бўлиб, ўрмон билан қопланган ерлар эса 3,5 миллион гектарни ёки республика умумий ер майдонининг 7,7 фоиздан иборат. Бу ерларнинг 82 фоизи чўл, 14 фоизи тоғ, 4 фоизи тўқайлардир.

— 2023 йилнинг ўзида тизимимизда экологик вазиятни барқарорлаштириш мақсадида 235 минг гектар майдонда ўрмон



барпо қилиш ва қайта тиклаш тадбирлари амалга оширилди, — дейди Ўрмон хўжалиги агентлиги директори Низомиддин Бакиров. — Орол денгизининг суви қуриган ҳудудда ва унинг бўйларида қум кўчилиши ҳамда атмосферага туз-чанг кўтарилишини бартараф этиш мақсадида 222 минг гектар, шу жумладан, Мўйноқ туманида 127,8 минг, Бухоро вилоятида 40,6 минг, Навоий вилоятида 43,7 минг, Хоразм вилоятида 10,6 минг гектар майдонда саксовул ва

Гарчи қишлоқ хўжалигимиз пахта етиштиришга ихтисослаштирилган бўлса-да, уни қайта ишлаш саноати яқин йилларга қадар жуда ночор эди. Чегга хомашё сотиб, на дехқон, на давлат тузуқроқ фойда кўрди. Йиллар давомида соҳага бозор иқтисодиёти таъйинлари татбиқ этилмаслиги манфаатдорлик кескин пасайишига олиб келди.

Кластер тизими жорий этилиши, фермерлар етиштирган маҳсулотлар нархлари эркинлаштирилиши каби янгилликлар бу манзарани бутунлай ўзгартириб юборди. 2020 йилга келиб, юртимизда етиштирилган пахта толасининг 100 фоизини ўзимизда қайта ишлаш йўлга қўйилгани ҳам фикримиз далилидир.

Бугун биргина Жиззах вилоятида “Jizzax kenteke”, “Agro elegant klaster”, “Jizzax industrial to'qima”, “Sangzortekstil”, “Mirzacho'l agroklastar group”, “Silverleaf”, “Paxtakor teks” каби 7 та пахта-тўқимачилик кластери ва 50 дан зиёд тўқимачилик корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Ушбу кластерларда хомашё етиштиришдан ип-калага, тўқиш, ранг бериш ва қайта ишланган тайёр маҳсулотни истеъмолчига етказиб беришгача бўлган жараёнларни қамраб олган лойиҳалар амалга оширилмоқда. Пахтаани қайта ишлаш орқали қўшимча қийматга эга, таъши бозорда талаб юқори маҳсулот тайёрлаш ҳажми ошиши натижасида ушбу корхоналарнинг иқтисодий имконияти юксалиб, янги иш ўринлари яратилмоқда.

“Jizzax kenteke” МЧЖ томонидан ташкил этилган пахта-тўқимачилик агрокластери вилоятнинг энг йирик ишлаб чиқариш қувватларидан бири. Агрокластер томонидан лойиҳа қиймати 21 миллион 800 минг еврони ташкил этувчи ип йигирув

# Янгича ёндашувлар БИР-БИРИНИ Тўлдирадиган ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

## таннархни тушириб, экспорт ҳажми ошишига хизмат қилади

фабрикаси ишга туширилди. Швейцария, Япония ва Туркиядан келтирилган замонавий дасттоҳлар ёрдамида кунига 30 тонна ип-калага ва кийим-кечак тайёрланмоқда. Ярм тайёр ва тайёр тўқимачилик маҳсулотлари юз фоиз чет элга экспорт қилинмоқда. Агрокластер биргина пахта-тўқимачилик билан қиёвланиб қолмай, чигитдан ёғ олинадиган заводни ҳам ишга туширган. Мазкур корхона йилга 20 минг тонна хомашёни қайта ишлаш қувватига эга. Шу билан бирга, юз гектар майдонда помидор, бод-ринг, булғор қалампир ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари етиштирилмоқда, 12 гектар майдонда чорвачилик фермаси бунёд қилиниб, гўшт ва сутни қайта ишлаш линиялари ташкил этилган. Агрокластерда ҳозир мингга яқин ёш доимий иш билан банд.

— Ўзбекистонда бошқа соҳалар каби қишлоқ хўжалигида ҳам улкан ўзгаришлар кечмоқда, — дейди “Jizzax kenteke” МЧЖ директори Мўмин Сиддиқов. — Бу, аввало, соҳада агрокластер тизими жорий этилганида намоён бўлди. Дехқон-фермер ва кластерларнинг моддий манфаатдорлиги ошди. Пахта хомашёсини ўзимиз етиштирганимиз боис, бизга анча арзон тушяпти. Бунинг ҳисобига кўпроқ даромад қиялмииз. Даромадимиз ҳисобига эса хориждан янги дасттоҳлар олиб келиб, фаолиятимизни янада ривожлантириш чораларини кўряпмиз. Маoshлар камлиги сабаб кўплаб юртдошларимиз хориқга ишлаш учун кетишга мажбур бўлмоқда. Шунинг учун биз ходимларимизнинг моддий манфаатдорлигини олинган даромадимиздан келиб чиқиб, доимий ошириб боришга эътибор қаратяпмиз.



“Jizzakh Textile” МЧЖ Европанинг энг сўнгги русумдаги замонавий дасттоҳлари билан жиҳозланган. Ишлаб чиқариш салоҳияти, маҳсулотлар тури ва ҳажми, экспорт миқдори ва географияси ҳам йилдан-йилга ошиб бормоқда. Агар корхона фаолиятининг дастлабки йилида 10 миллион АҚШ долларидан кўпроқ маҳсулот экспорт қилинган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич қарийб 30 миллион АҚШ долларига етди.

— Соҳага қаратилаётган эътибор туфайли вилоятда тўқимачилик саноати жадал ривожланмоқда. Маҳсулотларимиз сифати ва ҳажми ошиши баробарида экспорт салмоғи ҳам ўсиб бормоқда, — дейди

“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг Жиззахдаги вакили Эркин Қобулов. — Айни пайтда вилоятдаги барча турдаги саноат корхоналарининг умумий сони 500 тадан зиёд бўлса, уларнинг қарийб 150 таси тўқимачилик йўналишида фаолият кўрсатмоқда.

Вилоятда тўқимачилик тармоғидаги ишлар ва келгусидаги улкан режалар ушбу соҳани иқтисодиётимизнинг асосий драйверига айлантириши баробарида воҳа аҳлининг турмуш даражаси юксалишига ҳам хизмат қилади.

Фарҳод НЕЪМАТОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири



Шу йил 5 февраль куни 2024 йилда таълим, соғлиқни сақлаш, рақамлаштириш, маданият ва спорт соҳаларида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида олий таълим муассасаларининг мақомини белгилаш бўйича аниқ мезонлар ишлаб чиқиши, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига 116 та олийгоҳни ўрганиб, йириклаштириш дастурини ишлаб чиқиш ва уларга “миллий”, “давлат” университети, академия ёки институт мақомини беришнинг аниқ мезонларини белгилаш топшириғи қўйилди.

Бобиромон ҚОДИРОВ,  
Тошкент кимё-технология  
инститuti проректори, юридик  
фанлар доктори, профессор

тайёрлашдан иборат. Шунга қарамаздан, олий таълим муассасалари кадрлар тайёрлаш ва тadbиркорлик фаолияти орқали бюджетдан ташқари маблаг ҳисобидан муайян даромад ҳам олади. Бироқ бугунги рақобат муҳитини яратиш мақсадида ташкил этилаёт-

мумкин. Масалан, баъзи университетлар бир қанча эмас, муайян соҳа бўйича кадрлар тайёрлаётган бўлса, айрим институтлар турли йўналишларда мутахассислар тайёрламоқда. Айниқса, бу ҳолат нодавлат олий таълим ташкилотларида кўпроқ кузатилади. Қолаверса, нодавлат олий таълим ташкилотларининг номланишига ҳам эътибор қаратилмаганти. Афсуски, етарли моддий-техник базаси ҳамда профессор-ўқитувчилар салоҳиятига, зарур ўқув адабиётлари фондига эга бўлмаган

ҳомийлардан иборат бўлган юридик шахс мақомисиз олий таълим муассасаларининг кузатув кенгашлари ташкил этилди.

Ташкилий, академик ва молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасаларида ўқув режалари, фан дастурлари ва малака талабларини ишлаб чиқиш, ўқув адабиётларини яратиш ва таълим жараёнига жорий этиш, таркибий тузилмасини тасдиқлаш, хорижий фуқароларни ишга қабул қилиш, иш ҳақи миқдорини, тўлов-контракт муддатини белгилаш, тўлов-контракт асосида қабул квотасини шакллантириш ва бошқа масалаларни мустақил амалга ошириши олий таълим муассасалари учун кенг имконият бўлди.

# ОТМ МАҚОМИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК – муассасами ёки ташкилот?

ган нодавлат олий таълим ташкилотларининг асосий мақсади даромад топишга қаратилганини кузатиш мумкин. Кадрлар тайёрлаш сифати ва рақобатбардошлиги масаласига эътибор берилмаганти. Шунинг учун ҳам деярли барча нодавлат олий таълим ташкилотларида муҳандислик-технология йўналишида эмас, балки, асосан, ижтимоий-гуманитар йўналишларда кадрлар тайёрланмоқда.

Ўз навбатида, олий таълим муассасаларининг мақомини қўриб чиқишда уларнинг номланиши турлича эканига ғувоҳ бўламиз. Масалан, хорижлик кўпгина олимларнинг фикрича, қонунчиликда олий таълим муассасаларига “муассаса”, “таълим муассасаси”, “бюджет муассасаси”, “таълим ташкилоти” ва “нотижорат таълим ташкилоти” каби иборалар қўлланини “олий таълим муассасаси” тушунчасининг бир хил талқин этилмаслигига олиб келади. Мамлакатимиз қонунчилигида ҳам олий таълим муассасалари мақоми билан боғлиқ тегишли мезонлар белгиланмаган.

Айнан шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари ҳозир долзарб бўлиб турган масала — олий таълим муассасаларининг мақомини белгилаш бўйича аниқ мезонлар ишлаб чиқиши, уларга “миллий”, “давлат” университети, академия ёки институт мақомини беришнинг аниқ мезонларини белгилашга алоҳида тўхталиб ўтди.

Норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича қатор ишлар бажарилди. Хусусан, “Таълим тўғрисида”ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Таҳлилларга кўра, мазкур қонунда таълим муассасалари мақоми турлича талқин қилинади. Қонуннинг асосий тушунчалар акс эттирилган 3-моддасида “давлат таълим муассасаси” ва “нодавлат таълим ташкилоти”га таърифлар берилган. Демак, давлатга қарашли муассаса “таълим муассасаси”, нодавлат муассаса эса “таълим ташкилоти” сифатида белгиланганини кўриш мумкин. Аммо қонун матнида давлат ёки нодавлат ҳисобланишидан қатъи назар, 60 та жойда “таълим муассасаси” деб қайд этилган бўлса, 215 та жойда “таълим ташкилоти”, дея келтирилган. Шунинг учун ҳужжатлар-

ҳолатларда ҳам ташкил этилган нодавлат олий таълим ташкилотлари учрайди. Шу билан бирга, йигирма йил олдин тасдиқланган Олий таълим тўғрисидаги низоом ҳам бугунги талаблар ва янги қабул қилинган ҳужжатлар асосида қайта қўриб чиқиши лозим.

### Эркинлик қандай натижа берапти?

Президентимизнинг 2021 йил 24 декабрдаги тегишли қарорларига мувофиқ, 2022 йилдан мамлакатимиздаги 40 та давлат олий таълим муассасаси мақоми жиҳатдан ташкилий, академик ва молиявий мустақилликка эга бўл-

Кузатув кенгашларига берилган баъзи ваколатлар тўлақонли татбиқ этиляпти, деб бўлмайти. Кузатув кенгашларига молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасалари ректор ва проректорларини лавозимга тайинлаш ёки лавозимидан озод этиш ваколати берилган. Ректор ва проректор лавозимларига номзодларни қўриб чиқиш ҳамда танлаш механизми ёки тартиби мавжуд эмас. Олий таълим муассасасини ривожлантириш ҳамда унинг молиявий фаолияти билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, жумладан, нодавлат нотижорат ташкилоти қўришида мақсадли капитал жамғармасини шакллантириш кузатув кенгашларининг асосий ваколати этиш белгиланган. Ўшбу йўналишда ҳам қилинадиган ишлар талайгина.

Шунингдек, қарор билан давлат муассасаси шаклида ташкил этилган “Таълим соҳасидаги лойиҳалар маркази” лойиҳа офисининг ўқитиш соҳасини ислоҳ қилишдаги асосий фаолият йўналишлари, ваколат ва ҳуқуқлари белгилан берилди. Айниқса, таълимга оид масалаларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига мажбурий тартибда лойиҳа офиси билан келишилиш шартлиги белгилангани ҳам таълим қонунчилигидаги бўлишқ ва ноаниқликларни бартараф этиш учун пойдевор яратди.

Фикримизча, лойиҳа офиси нафақат таълим дастурлари, балки бутун бир ўзлуксиз таълим, хусусан, олий таълимга оид қонунлардан тортиб, барча қонунчи ҳужжатларни таҳлил қилиши ҳамда тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиши зарур. Бу борада қўйидаги асосий йўналишларга эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ.

**Биринчидан**, “Таълим тўғрисида”ги қонун билан бир қаторда “Мақтабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги қонун қабул қилинган бўлиб, бизнингча, яхлит Таълим кодексини яратиш концепцияси бўйича асосланган таклифлар ишлаб чиқиш зарур.

**Иккинчидан**, олий таълимга оид муносабатларни тартибга солувчи барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни инвентаризациядан ўтказиш, уларга тегишли ўзгартариш ва қўшимчалар киритиш чораларини кўриш лозим.

**Учинчидан**, халқро тажриба асосида олий таълим муассасалари раҳбарлари, жумладан, ректорларни танлаш ва тайинлаш (сайлаш)нинг янги механизмларини тажриба тариқасида босқичма-босқич татбиқ этишини қўриб чиқиш керак.

**Тўртинчидан**, чуқур таҳлил ва пухта ишланган тавсиялар асосида “Таълим соҳасини ривожлантиришнинг миллий дастури” ёки “Таълимни ривожлантириш стратегияси — 2030” лойиҳаларини ишлаб чиқиш таклиф этилади.

Орамиздаги одамлар

ДАСТЛАБ — ҲАВАС, КЕЙИН — БИЗНЕС

Кўхна Бешариқнинг Зарқайнар маҳалласида умргузaronлик қилаётган “Жасорат” медали соҳиби Севара Исроилова ҳаёт йўли кўпга ибратли. Имконияти чекланган, бошқалар қатори эмин-эркин ҳаракатлана олмаслигига қарамай, ҳаётда ўз ўрнини топиш, кимгадир юк бўлиб эмас, аксинча, жамиятга, одамларга наф бериш йўлида изланиб, бор имкониятларини ишга солиб, меҳр бериб, меҳр кўраётган оқилалардан бири.

Маъмуржон ака ва Матлуба опа имконияти чекланган фарзандини бошқалардан кам қилмаслик, ўқитмаслик йўлида жонни жаб-борга бериб, оқ ювиб, оқ таради. Сочларига оқ, юзларига ажин тушган мушфқ ота-она ҳануз дилбандидан кўнгил узолмайди. Фарзандининг ҳар бир ҳаракати, ютуқларидан қувонади, баҳра олади, қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилади.

Севара ҳаммаша аҳсин кишилар меҳр-муҳаббатини ҳис қилиб улғайди. Тушқунликка тушмади, ўқинмади, аксинча, ҳаётга ҳаммаша умид билан боқди, фақат олдинга интилди, изланди. Бу сый-ҳаракатлар уни ҳаёт мактабида ўз ўрнини топиш, бир оиланинг муносиб фарзанди, оила бекаси бўлиш имконини берди.

У яратган турфа уй-рўзгор буюмлари, оёқ кийимлар, ажиб қўғирчоқлар, зардўзлик либослари ҳайратингизни оширади. Бир аёл меҳнати, сабр-бардоши, изланишлари самарасидан қувонасиз. Уларнинг ҳар бири меҳр-муҳаббат билан яратилганига ғувоҳ бўласиз.

— Бешинчи синфга қадар мактабга бора олмаганман, — дея хотирлайди Севара. — Ус-тозларим уйга келиб, машғулот ўтиб кетарди. Кейинроқ мактабга қатнадим. Фаиларини ўзлаштиришда бирмунча қийинчиликларга дуч келганимда дугоналарим, устозларимдан меҳр-муруват кўрганман. 9-синфни тамомлаб, Фаргона шаҳридаги имконияти чекланганлар касб-хунар коллежиди компьютер ва компьютер тармоқлари оператори йўналишида таҳсил олдим. 2016 йили Тошкент ах-

борот технологиялари университети Фаргона филиалига ўқшш учун ҳужжат топшириб, 63 балл тўпладим. Ўша пайтларда имконияти чекланган абитуриент ёшлар учун бугунгидек имтиёз ва қулайликлар берилмаган эди. Омадним келмай, уйга қайтдим. Туман марказида бухгалтер зардўзчи усталар ўқув курси ташкил қилганини эшитиб қолдим. Курсда ўқиб, сертификат олдим. Маҳалламиздаги 5-умумтаълим мактабида ёшлар учун бепул зардўзлик тўғрарти ташкил қилдим.

Дастлаб шунчаки ҳавасдан бошланган сый-ҳаракатлар йиллар силсиласида ривожланиб, тараққий этди. 2020 йилда “Мадад кўллар” унитар корхонасига асос солиб, ўзи каби ногиронлиги бўлган ўн нафар хотин-қизни бир мақсад йўлида бирлаштирди. Улар ётоқхона чойшаблари, кўппа-тўшак, миллий либослар тайёрлайди. Махсулотларга бўлган талаб кундан-кунга ортиб борапти. Севара билан ишлаш, ундан хунар ўрганиш истагида бўлган ёшлар, хотин-қизлар кўпчилигини ташкил қилади.

— Президентимиз раислигида ижтимоий химоя соҳасидаги вазифалар юзасидан ўтказилган йиғилишда имконияти чекланган

ди ҳамда уларга қатор масалаларда мустақил қарор қабул қилиш ваколати берилди.

Молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасаларида вассийлик кенгашлари тугатилиб, таркибининг камида 70 физои тегишли вазирлик, идоралар, кадрлар буюртмачилари, жамоатчилик вакиллари ва

Аҳолининг тўлов қобилияти ҳисобга олинган ҳолда, сўнгги 3-4 йилда талабалар тўлов-контракт суммасининг оширилмасдан сақлаб қилинаётгани, албатта, таҳсинга лойиқ. Аммо профессор-ўқитувчиларнинг ойлик маоши, коммунал тўловлар ва бошқа сақлаш харажати бир неча баробар ошгани бир талабага йил

фоизда ногиронлиги бўлган тadbиркорларга давлат буюртмачилари билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш, бундай одамларни ишга олган корхоналарга тadbиркорлик рейтингиди қўшимча балл бериш борасидаги имкониятлар фаолият қўламинизни янада кенгайтирди. Айни кунда касаначилик асосида юмшоқ ўйинчоқлар, зардўзлик буюмлари тайёрлаш йўналишида янги лойиҳаларни ишга туширишни мақсад қилдик. Бу нафақат ногирон, балки уйда ишсиз ўтирган хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва даромадга эга бўлишида катта аҳамиятга эга. Ҳар бир муваффақиятим ортида яқинларим меҳр-муҳаббат, қўллаб-қувватлашини ҳис қилиб келаман, улардан куч-қувват оламан. Ҳар бир кун, ҳар бир дақиқа мен учун қадрли. Одамларга кўпроқ манфаат келтиришни хоҳлайман, бу йўлда менга ҳаммаҳиат бўлганларга раҳматлар айтаман, ёлғиз эмаслигимни ҳис қилиб яшайман.

Халқ фаровонлиги, юрт тараққийтига баҳоли қудрат ҳисса қўшиб келаётган Севаранинг меҳнат ва изланишлари бесамар кетгани йўқ. 2020 йили “Жасорат” медали билан тақдирланди. “Тошарик” маҳалла фуқаролар йиғини-

да субсидия асосида берилган уч хонали янги уйга кўчиб ўтди. Ногиронлар учун мўлаҳазаланган электрон аравага эга бўлди. Бу эътибор ва рағбат унинг ҳаётга бўлган ишончини янада оширди. Бошқалардан кам бўлмаслик, ҳаётда ўз ўрнини топишдек масъулиятли ишларга даъват этди, куч-қувват бағишлади.

— Тоза қалб ва матонат тимсоли бўлган Севара билан ҳақли равишда фахрланамиз, — дейди “Тошарик” маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли Турсуной Назирова. — У нафақат тadbиркор, балки меҳр-саховат элчиси сифатида ҳурмат ва эътибор тоғланлардан. Маҳалла, одамлар ҳаёт тарзи билан боғлиқ ҳар бир ишда фаол, ташаббускор. Байрамлар, қутлуг саналарда кам таъминланган, ижтимоий химояга муҳтож оилалар, якка-ёлғизларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий қўмак бериш ишларига бош-қош. Унга ҳавас қилиб, касб-хунар ўрганаётган матонатли хотин-қизлар сафи кўндан-кунга ортиб бормоқда. “Бешариқ кўзлари” телеграм гуруҳи ташкил қилинган. Унда туманимиздаги хотин-қизлар ҳаёт тарзидаги ҳар бир ўзгариш ва ташаббуслар ҳақида ўртоқлашиб, ўзаро фикр алмашиб турамиз.

Қатронтоғ этакларидан Сайхун соҳилларигача ястанган кўхна Бешариқнинг матонатли ва жасоратли қизи сифатида элга танилган Севара Исроилова жисмоний имконияти қанчалик чекланмасин, янги мақсад ва гоьлар йўлида изланмоқда, меҳнат қилмоқда.


Расулжон КАМОЛОВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Аждодлар мероси



Жаҳон тарихида ўчмас из қолдирган бетакрор сиймолардан бири  
Заҳириддин Муҳаммад Бобур буюк шоир, қомусий олим, давлат арбоби ва моҳир саркарда сифатида бутун дунда маълум ва машҳурдир. Унинг беқиёс илмий-ижодий мероси нафақат миллий маданиятимиз ва халқимиз адабий-эстетик тафаккурининг шаклланишида, балки жаҳон адабиёти, илм-фани ва давлатчилиги тарихида алоҳида ўринга эга.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти



БОБУРШУНОСЛИК БЎЙИЧА  
ИЛМИЙ ПЛАТФОРМА ЯРАТИЛДИ



**baburid.uz** расмий доменида синов тариқасида ишга туширилган платформанинг бош саҳифасида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида батафсил маълумотлар билан танишиш мумкин. Кейинги бўлимда Бобур шахсияти билан боғлиқ барча янгиликлар жойлаб борилади.

нинг тақдимот маросими ўтказилди. Тадбирда платформанинг таркибий тузилиши ҳамда имкониятлари тақдимот қилинди.

Boburid.uz расмий доменида синов тариқасида ишга туширилган платформанинг бош саҳифасида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида батафсил маълумотлар билан танишиш мумкин. Кейинги бўлимда Бобур шахсияти билан боғлиқ барча янгиликлар жойлаб борилади. Фойдаланувчилар платформа орқали шох ва шоир ижодида тааллуқли объектларга виртуал саёҳат қилиш имкониятига ҳам эга. Ундан кейинги бўлимда эса Бобурнинг ижодий мероси тартиб асосида жойлаштирилган.

— Ўшбу платформа учун харид қилинган интернет майдонига ҳажми 20 мингдан зиёд китоб, мақола каби файллар юкламасини ўзида мўжассамлашга қодир, — дейди лойиҳа

раҳбари Абдумажид Мадраимов. — Платформанинг бош саҳифасига танланган контент ва маълумотлар мактаб ёшидаги болалардан тортиб, катта ёшли аудиторияни ҳам ўзига жалб қилиши назарда тутилган бўлиб, бобурийлар даврига оид сара миниатюралар, асарлардан иқтибослар ҳамда ўзбек киноижодкорлари томонидан тасвирга олинган видеолавҳалар ажратиб олинган ва мавзулаштирилган ҳолда жойлаштириб чиқилган. Бу платформа кузатувчиларига Бобур сиймосини янада жонли тасаввур қилиш имкониятини беради.

Платформа келгусида шакл ва мазмун жиҳатдан мунтазам бойитиб борилади.

**Жонибек АЛИЖОНОВ,**  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Мутолаа маданияти



Ҳокимларнинг ёшлар билан учрашувига кўп гувоҳ бўлганмиз, бўлиб келаямиз ҳам. Туман, вилоят раҳбарлари мустақил ҳаёт оstonасида турган йигит-қизлар билан уларнинг орзу-истаклари, олдига қўйган мақсадлари ва мавжуд муаммолари юзасидан ўртоқлашади. Ёшларнинг ғайрати, шижоатини кўрган ҳоким буварларимизнинг танглиги тугиб кетиб, бошига бахт куши қўнган йигит-қизлар ҳам талайгина. Умуман олганда, бундай учрашувларда кўнгли осмон қадар юксалган ёшларнинг кўзлари қувончдан порлайди.

Кўргонтепа тумани ҳокими Алишер Халиловнинг ўзгача форматдаги учрашувидида иштирок этаётган ёшлар эса бир умрлик “содиқ дўст”лари сафини кенгайтиришга аҳд қилаётгани аниқ. Бойси, қайси мактабга бормасин, ўқувчилардан “Охириги ўқиган китобингиз қайси”, деб сўрайдиган ҳоким эндиликда эзгу бир лойиҳа доирасида улар ўқиган ёки ўқийётган китобнинг номинигина эмас, асарнинг аҳамияти, мазмун-моҳияти ҳақидаги фикрларини ҳам тинглай олиши мумкин. Шу маънода бўлса керак, водийнинг энг катта телеграм каналига унга “бошқача ҳоким” дея нисбат берилди.

Журналист Элмурод Эрматов “Биз мажлисларда ўтирадиган, топшириқлар билан банд ҳокимларни кўрадик. Қарангки, дунёнинг дурдона китобларини ўқувчилар билан

БУ ЕРДА ҲАММА ТЕНГ  
ёхуд китобхон ҳокимнинг ўзгача  
форматдаги учрашуви



МАЗКУР QR-KOD ОРҚАЛИ ВИДЕОГА ЎТИНГ.

келди. Ўқувчилари “Ҳокимимиз ўзи ўқиган китобларни бизга ҳам айтсин, биз ҳам ўша асарларни ўқиб чиқсак, кейин ўзи билан ҳам дебат шаклида суҳбат қилсак, яхши бўларди”, дебди.

Бу тақдир, ташаббусни бажонидил қабул қилдим. Зеро, мактабларга назорат юзасидан бориб, йўл-йўлакай ўқиётган китобини сўраш, шошилиш тарзда 5-6 бадийи асарни тавсия қилиш ўз йўлига. Аммо ёшларнинг кўнглига кириш, улар билан дилдан мунозара қилиш бутунлай бошқа. 4-синфдан бошлаб ўқиган бадийи асарларимнинг олтиншига яқинини қозғога тушириб, мактабга етказдим. Рўйхатдагиларнинг аксари республикамиз миқёсида ўтказиб келинаётган “Ёш китобхон” танлови учун тавсия этилаётган асарлар. Нима бўлганда ҳам асосий мақсадимиз — ёшларда мутолаа маданиятини шакллантириш бораборида ватанпарварлик туйғусини ошириш, келажгимиз ворислари миллийлигимизни янада яхшироқ англашишга қўмаклашиш.

Хуллас, биринчи қадамни ихтисослаштирилган мактабимиздан бошладик. Аслида, мактабга борганимда, учрашув учун одатдагидек расмий майдон ҳозирланганди. Мен эса ноанъанавий давра қилишимиз керак-лигини, бу борада ҳеч қандай тўсиқ бўлмаслигини айтдим. Бир-биримизни аниқ-тиниқ кўриб турадиган доира шаклида жойлашдик. Ўқувчиларга “Тасаввур қилинг, қаршингизда ҳеч қандай ҳоким, директор, умуман, бирорта раҳбар йўқ, бу ерда ҳамма тенг, фақат китобни севувчи инсонлар жамланган”, дедим. Сабаби, инсон қалбининг туб-тубидаги фикрларини, ҳисларини шунақанги эркин даврадагина олиш мумкин.

Самимий гаплар билан бошланган учрашувда ёшлар чиндан ҳам ўзларини анча эркин ҳис қилди. Улар ҳокимнинг тилидан зўр қизқиш билан Габриэл Гарсиа Маркеснинг “Ёлғизликнинг юз йили” романи ҳақидаги таассуротлар, ёзувчидан Голливуд киноижодкорлари асарини экранларга олиб чиқиш учун 6 миллион долларгача гонорар тақдиф қилгани, лекин ёзувчи бунга рози бўлмай, “Агар бу асаримни дунёда 1 миллион одам ўқиса, 1 миллион хил тасаввурга эга бўлади. Лекин кино ишланса, қаҳрамон ҳақида битта тасаввур пайдо бўлиб, асар қобилиқа тушиб қолади”, деганини эшитди.

Ҳоким Маркеснинг гапига исбот сифатида Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асарини мутолаа қилиш билан кино талқинида қўришнинг фарқини тушутирди. Туман раҳбари, шунингдек, ўқувчилар билан Чингиз Айтматовнинг

“Оқ кема”, Эрнест Хемингуэйнинг “Чол ва денгиз” асарлари, умуман, жаҳон ва ўзбек адабиёти дурдона асарларидан олган таассуротлари билан ўртоқлашди. “Ўн беш ёшли капитан”ни ўқиб, денгизчи бўлишни истамангана бола қолмагани, “Оқ кема”ни ўқиганлар болакайнинг орзулари, изтиробларига шерик бўлгани, “Дунёнинг ишлари”дан миллионлаб инсонлар таъсирлангани ҳақида гапириб, бу асарларни ўқимаган болаларда ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Ўта қизгин ва бахсларга бой давра суҳбатидан сўнг туман ҳокими бундай ажойиб учрашувдан миннатдорлигини билдириб, барча китобхон ўқувчиларини эсдалик совғалар билан тақдирлади. Йигит-қизлар шундай учрашувлар тез-тез бўлишини жуда-жуда исташи,

бунинг учун ҳар қанча китоб ўқишга тайёрликларини айтди. Туманда 50 дан зиёд умумтаълим мактаблари бор. Тумандаги таълим муассасаларида тарбиявий ишларни мувофиқлаштириш бўлими раҳбари Авазбек Маматалиевнинг айтишича, уларнинг барчасига ҳоким ўқиган китоблар рўйхати етказилган. Қанчадан-қанча китобхон ёшлар бу учрашувга астойдил тайёрланаётгани аниқ. Шундай экан, эзгулик барчага баробар улашилаётгани қувонарли.

Шу ўринда алоҳида айтиш жоизки, ёшлар орасида азалдан илму маърифатга интилган, мутолаа маданияти юқори бўлган ёшлар Кўргонтепанинг ифтихори бўлиб келган. Кўнча айна худуд фарзандлари — Дилнавоз Ҳайитахматова ҳамда Арофат Абдулганиева “Ёш китобхон” кўрик-танловининг республика босқичида Андижон вилояти шарафи учун курашди.

Дарвоқе, икки йил аввал тумандаги “Деҳқончек” МФЙ идораси ҳамда маҳалла фаоллари ҳамкорлигида ёшлар етакчиси ташаббус билан “Илм беллашуви” ташкил қилингани, ҳозирда ҳам бундай тадбирлар давом этаётгани туманда китобхонлик кенг қўлоч ёзаётганидан далолат беради. Ёшларнинг, аниқска, жадидларимиз асарларига жалб этилаётгани янада қувонарли.

Бу ҳолда, бу учрашув бизни ҳам жуда ҳаяжонга солди, қувонтирди. Ёш авлодга китоб ўқишнинг фойдаси, аҳамияти ҳақида маърузага нисбатан китобхон ёшлар билан шу каби жонли мулоқот, ўқиган асарларининг мазмун-моҳияти ҳақида дилдан суҳбат бутунлай бошқача таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Зеро, инсоният яратган мўъжизаларнинг олд қаторидан ўрин олган китобга бўлган меҳр ана шундай самимийлик, дўстона фикр алмашув орқали уйғонади. Ёнг муҳими, бу меҳрни кўнгилга абадий муҳрламоқ керак.

**Муножат МЎМИНОВА,**  
“Янги Ўзбекистон” мухбири